

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифи...



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ 2000 йил 16 май, сешанба №69 (901)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒНА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КОМИССИЯ МАЖЛИСИДА

Хисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустахкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг тўлов мuddати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Хисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустахкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг минтақавий комиссиялари раҳбарлари, мониторинг ўрнатилган вазирлик, идора, республика тижорат банклари раҳбарлари иштирок этган мажлис...

тижорат банклари ҳамда ҳудудий комиссиялар раҳбарлари зиммасига ҳудудлардаги ҳар бир ҳўжалик субъекти бўйича умумий дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кескин камайтириш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Республика корхоналари ўртасида ҳисоб-китоблар механизмини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўзaro қарзларнинг белгиланган муддатларда барҳам берилишини таъминлаш юзасидан назорат ўрнатиш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, комиссия йиғилишида минтақавий комиссиялар раҳбарлари зиммасига ҳудудларда аҳолининг электр энергияси, газ, сув ва бошқа коммунал хизматлари бўйича қарзларини ундириш; ягона молия-ҳисоб-китоб кунлари ўтказиш йўли билан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, шу жумладан бюджетга тўловлар бўйича қарзларни тўлаш борасида олиб борилаётган ишларни кескин жонлантириш; дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кескин қисқартириш мақсадида тижорат банкларининг мақсадли кредитлари ва факторинг хизматларидан фойдаланган ҳолда мақсадли схемалар ишлаб чиқишни фаоллаштириш; бир йилга қўшимча мониторинг ўрнатилган Коммунал хизмат кўрсатиш ва Энергетика вазирликлари, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ва «Ўзкимёсаноат» уюшмаси таркибидagi корхона ва ташкилотларда ҳисоб-китоблар ҳолати устидан доимий назорат ўрнатиш, тўлов интизомини бузиш ҳолатлари бўйича аниқланган фактларни минтақавий комиссиялар мажлисларида муҳокама этилишини таъминлаш ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар қўриб бориш вазифалари юклатилди.

Мажлисда қўриб чиқилган вазифалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Пойтахтда «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унга кўра 1-ўрин пойтахтнинг Юнусобод туманидаги Муҳаббат Назарова номли 70-ўрта мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Дилфуза Ганиевага берилди.

Суратда: танлов ғолиби Дилфуза Ганиева устози Марфуза Аҳмадқонова билан.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

ПИЛЛА ТОРОЗИГА ТУШДИ

Фаргона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Соҳибкор» ширкат ҳўжалиги пиллакорлари биринчи бўлиб пилла тайёрлаш шартнома режасини бажарди. Мавсумда 250 кути ипак курти уруғини парвариш қилган заршунослар қабул пунктларига режадаги 13 тонна ўрнига 14 тоннадан зиёд қимматли саноат хом ашёси топширди. Хар кути курт уруғидан ўртача 68 килограмдан пилла олинди. Ҳўжаликда пилла териш давом этмоқда.



ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Жаҳон банки Ўзбекистонда шаҳар транспортни ривожлантириш лойиҳасини маъқуллади ва уни амалга ошириш учун 29 миллион АҚШ доллари миқдорда қарз ажратди. Ўзбекистон Жаҳон банкига 1992 йилда аъзо бўлган эди. Шундан буён банк мамлакатимизга ўн битта лойиҳа бўйича 458 миллион доллар миқдорда қарз ажратди. Навбатдаги қарз Самарқанд, Наманган, Бухоро, Нукус ва Олмалик шаҳарларида транспортни ривожлантиришга йўналтирилади. У 20 йил муддатда қайта-қайта шарт билан берилди.

Лойиҳа амалга оширилгач, мамлакатимизнинг бешта шаҳрида истикомат килувчи 1,4 миллион аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш яхшиланади. Бундан ташқари, қўлаб янги иш ўринлари вужудга келади.

Лойиҳада янги автобуслар сотиб олиш ва уларни тегишли хусусий ҳамда давлат автокорхоналарига тижорий лизинг асосида бериш, мавжуд автобусларни таъмирлаш ўз аксини толган. Шунингдек, мазкур лойиҳа асосида автокорхоналарга техник ёрдам кўрсатиш, кадрлар тайёрлаш ва ус-тахоналарни зарур уюш-налар билан таъмирлаш кўзда тутилган.

(ЎЗА)

ЯХШИЛАР ЯРАТГАН БОҒ

Биз яшаётган Сумак қишлоғи тоғ ҳудудларида жойлашган. Жовуз ва Китоб ўрмон ҳўжаликлари-га туташ бўлган фермер ҳўжалигимиз «Паландара» ҳўжалиги ҳудудида ташкил топди. Отам Муртазо Олимов бундан 10 йил илгари қаровсиз ерни ўзлаштириб, турли мевали дарахтлар экандилар. Вақт ўзгарди. Президентимизнинг жойларда фермер ҳўжаликлари ташкил этиш борасидаги ҳаётбахш фармонларидан сўнг 7 гектарлик боғ 9 гектарга кенгайди. Хозир тўнчи акам фермер ҳўжалигига раҳбарлик қилади. Меҳнатимиз орқасидан ҳаётимиз фаровон кечмоқда. 700 туп ноқ, 600 туп олма, 200 туп олхўри, 200 туп ўрикзордан иборат каттагина боғимиз бор. Хар йили ундан мўл ҳосил оламиз. Айниқса бултур меҳнатимиз самарали бўлди. 8 тонна мева, 2,8 тонна гўшт, 20 тонна сут, 9 тонна галла етиштирдик. Йил якунига кўра умумий даромадимиз 1 миллион 200 минг сўмни ташкил этди. Барчамизга отам бош бўлиб турибдилар. Бизга хар жиҳатдан кўмак бераётганликлари учун ишимиз унутили бўлаётти.

— Болаларим, — дейдилар отам, — фермерликка асос солган Юртбошимиздан чексиз миннатдоримиз. Бундай кенг имконият ҳеч қачон бўлмаган.

Жорий йилда режаларимиз янада улкан. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириб, умумий даромадни 4 миллион сўмга етказамиз.

Атроф дов-дарахтлар билан қопланган. Яхшилар яратган боғ кўзимизга жаннат бўлиб кўрилади. Бундан ортиқ бахт борми ахир!

Рустам ОЛИМОВ, Китоб туманидаги Мустафо Муртазо ўғли фермер ҳўжалиги аъзоси.

ФАРГОНА «ЧЕЛЛЕНЖЕР»И ЯКУНЛАНДИ

Фаргона шаҳридаги «Истиқлол» теннис мажмуида ўтказилган «Челленжер» халқаро теннис турнири нихоясига етди. Қарийб бир ҳафта давом этган ушбу нуфузли турнирда ўн етти мамлакатдан 30 нафардан кўпроқ теннисчи ўзaro куч синашди. Беллашув гоят қизиқарли ва муросасиз курашларга бой бўлди.

Мусобақа шартига кўра, жуфтликлар ўртасидаги баҳсда исроиллик Д.Эрлих ва Л.Морганга тенг келадиганлар топилмади. Улар финалда бразилиялик теннисчи Д.Мело ва А.Симонини мағлубиятга учратди.

Якка тартибдаги баҳсларнинг финал учрашуви россиялик И.Куницин ва белоруссиялик В.Волчок ўртасида бўлиб ўтди. Унда белоруссиялик теннисчининг кўли устун келиб, «Челленжер» турнири ғолиби бўлди.

КўШИҚЛАРДА ОНА ЮРТ МАДҲИ

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг барча шаҳар ва туман бўлимлари вакиллари иштирокида «Ўзбекистон кўшиқ байрами» дастури асосида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда дастлабки босқичда ғолиб чиққан 24 нафар йигит-қиз иштирок этди. Кўрик-танлов қатнашчилари эл-юрт осойишталигини сақлаш билан бир қаторда она-Ватаним, истиқлолни мадҳ этувчи кўшиқларни маромига етказиб ижро эта олишини исботлади. Танлов якунига кўра Қорақалпоғистон Ички ишлар вазирлиги ходими К.Шариповга ғолиблик насиб қилди ва у мамлакат миқёсида ўтказилади-ган танловда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Нукусда Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамда Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ташаббуси билан ташкил этилган ўзини-ўзи бошқарув органларининг ислохотларни чуқурлаштиришдаги ўрни ва унинг оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ҳуқуқий-иқтисодий йўналишлари мавзусида семинар-кеңаш бўшланди.

Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси Раиси Т.Қамолов сўзга чиқиб, Оролбўйи ҳудудида ислохотларни чуқурлаштиришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокини фаоллаштириш масалаларига эътиборни қаратди.

Уч кун давом этадиган анжуман қизгин баҳс ва мунозараларга бой бўлиш, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиши кутилмоқда.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

«Ишонч»га жавоб берадилар «Мўйноқ МУАММОЛАРИ»

Газетамизнинг шу йил 18 апрел сонида юридаги сарлавҳали мақола босилган эди. Унда тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ислохотларни чуқурлаштириш борасида мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётгани, ишловчиларнинг яшаш ва ишлашлари учун етарли шароит яратиб беришда масъулиятсизликка йўл қўйилаётгани танқид остига олинган эди.

Тахририятимизга Мўйноқ тумани ҳокими У.Қалмуратовнинг имзоси билан келган жавоб хатида ёзилишича, мақола туман ҳокимлигида тегишли корхона раҳбарларининг иштирокида чуқур ўрганиб чиқилган. Ундаги далиллар тасдиқланган. Хозирда камчиликларни бартараф этиш ва туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш юзасидан талай ишлар олиб борилаётган.

Шу йилнинг биринчи чорак якунлари халқ ҳўжалигида айрим ютуқлар кўлга киритилганини кўрсатди. 10 апрел куни туман ҳокимлигида биринчи чорак якунига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, чет эл сармоядорлари билан биргаликда қўшма корхоналар тузиш, уларни қўллаб-қувватлаш масалалари қўриб чиқилиб, тегишли тадбирлар белгиланди. Хозир улар дастлабки натижаларни бермоқда. Фақат шу ойнинг ўзидаёқ 4 та фермер ҳўжалиги тузилиб, улар сони 133 тага етди.

Ўтган йили кичик ва ўрта бизнес эгаларига 23270 минг сўм енгиллаштирилган кредитлар берилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 1,5 баробарга кўпайиши кутилмоқда.

Аҳолига кўрсатилаётган хизмат турини кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Хозирга келиб бундай шохобчалар сони қарийб 50 тани ташкил этди. Демак, муаммолар ўз ечинини топа бошлади.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

Тошкентдаги «Меридиан» меҳмонхонасида Марказий Осиёда барқарорликни мустахкамлашга бағишланган халқаро конференция иш бошлади. Конференция Жорж Маршалл номидаги хавфсизлик масалаларини ўрганиш Европа маркази ва Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари академияси томонидан ташкил этилди. Унда Марказий Осиёдаги бешта давлат, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Франция ва Швейцария давлатлари ҳукуматларининг вакиллари, халқаро ва нодавлат ташкилотларнинг етакчи экспертлари иштирок этмоқда. Конференциядан мақсад халқаро ташкилотлар, ҳукумат ва нодавлат ташкилотларининг минтақадда барқарорликка кўмаклашишга қаратилган ҳаракатларида доир тавсияларни биргаликда ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу анжуманинг дастлабки кунинда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари И.Мустафоев, АҚШ Куролли кучлари Марказий қўмондонлиги раҳбари генерал Зинни, Жорж Маршалл номидаги марказ директори ўринбосари генерал Вернер сўзга чиқди. Конференцияда таъкидланганидек, му-

ҳокама қилиниши кўзда тутилган масалалар нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун долзарб ҳисобланади. Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Минтақаддаги давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон бугунги кунда бирданига ва қисқа муддатда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммоларга дуч келмоқда. Президент Ислам Каримов ва ҳукуматимиз кўзлаган асосий мақсад - халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилган, очик бозор иқтисодиётига эга демократик жамият қуришдан иборат. Бироқ қўйилган мақсадларга Ўзбекистонда ва бутун минтақадда тинчлик ҳамда барқарорлик таъминлангандагина эришиш мумкин. Шу тўғрисидаги минтақавий хавфсизлик масалалари биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Халқаро терроризм, диний эстремизм, наркотиклар ва курол-яроғ билан ноқонуний савдо қилиш минтақад хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Бундан ташқари, минтақаддаги экологик муаммолар жаҳон миқёсига чиқмоқда.

19 майгача давом этадиган конференцияда «Марказий Осиё ва халқаро терроризм», «Экстремистик зўравонликнинг яққол мисоли: Алжир тажрибаси», «Уюшган жиноятчилик: наркотик моддалар ва «курол-яроғ савдоси» каби мавзуларда ҳам маърузалар тингланади. Т.БОТИРБЕКОВ ЎЗА мухбири.

Лавозим ва бурч

Ноғирон Абдусамат Тўйинбоев агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Сирдарё вилояти кўмитасига адолат излаб келди...

Фалокат оёқ остида. Кутилмаганда унинг қонига тушганнинг омади кетади. Баъзан ҳаёт оқими ўзга ўзанлар сари чоҳ ташлаб олиб кетади. Қисмат аталимиш бу синовдан ҳеч қим юз бўриб кетаолганмас. Гулистон туманида яшовчи Абдусамат Тўйинбоев ҳам бир қўздан айрилиб, пешонасидаги ёлғиз нури гавҳари ҳам хира тортиб қолади дея сира уйламаганди. Яна у билмагандики, кеча унга бағрини очганлар, қуввати, кучи боринда дўст-биродар туттинганлар юз ўғирлишини. Акс ҳолда улар қонига наҳот истаб бормасан бўларди. Минг эшикка бош урди. Қасаба уюшма ташкилотининг уч йиллик елиб-югуришидан сўнг ҳақ жойда қарор топди.

— 1997 йил июн ойида иккинчи гуруҳ ноғирони Абдусамат Тўйинбоев бизга мурожаат қилди, - дейди агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси вилоят кўмитаси меҳнат назорати бош нозир Илёв Бокиев. - Махсус комиссия Гулистон туман ветеринария бўлимида бўлиб, раҳбарият томонидан меҳнат қонуни бузилганлигини аниқлади. Ноғиронга ишлана йўриган кунлари учун ҳақ тўлаш мажбуриятини бўлим маъмуриятига юклди. Бироқ, айрим шахслардаги манманлик, тўрачилик қонуний талаб бажарилишига тўсқинлик қилди.

Бўлими фаолиятида ишлатилган ва ёқилган билан таъминланган. 1994 йилнинг ёзида бузилган УАЗни уй шароитида таъмирлаётган А. Тўйинбоевнинг чал кўзига беҳосдан темир зарраси тушади. 11 августда вилоят кўз касалликлари шифохонасида жарроҳлик йўли билан темир зарраси олиб ташланади. Бироқ жароҳат тузалавермайди. Кўп бора шифохонада даволанади. Ўз дарди билан олиши юрган А.Тўйинбоевни 1994 йил 15 декабрда туман ветеринария бўлими бош

врачи Санакул Саидов ҳузурга чорлаб, ўз хоҳиши билан ишдан бўшатиш лозимлигини уқтирди. Қўямасдан ариза ёздириб олиб, шу кундан вазифасидан озод қилди. Бироқ дард зўрайса-зўрайдики, сира чекиммасди. Йирингли ярага айлана бошлади, 1997 йил 3 апрелда касал кўз билан хайрлашишга тўғри келди. Июн ойида эса унда иккинчи гуруҳ ноғиронлиги белгиланиб 1200

сўм пенсия тайинланди. Боз устига соғ ўнг кўз ҳам хира торта бошлади. Уч-тўрт йиллик дард, шифохонама-шифохона елиб-югуришлар оилани ҳам моддий, ҳам маънавий эзиб қўйди. Ахир фарзандлари бор. Қолаверса, бўш қоп тик турмайди деганларидек, шундан сўнг А.Тўйинбоевнинг ташвишли оналари бошланди. Аввал бошлиғига учрашди. Таассуфки, уни тинглашни ҳам истамади. Айланди, ариза ёздириб буйруқка жим-жимдор имзосини аллақачон чекиб қўйган

Санакул Саидов сира бўш келмасди. Шу боис, у касабга уюшма талабига пинак бузмади. Бу орада у ишдан кетиб ўрнига Ўрозали Хазратқулов бош ҳақим этиб тайинланди. Яна талаб эслатилди. Қонун билан янги бошлиқни ҳам таништиришга тўғри келди. Хуллас, А.Тўйинбоевга ветеринария бўлими 37047 сўм тоvon пулини тўлаб берди. Бахтга қарши жабрдийда дардига яна бир

тўшган ноғирон Гулистон туман судига икки бор мурожаат қилди. Таассуфки, одил суд раиси ҳам турли баҳоналарни ваҳж-қарсон қилиб, масалани ҳал этишдан ўзини олиб қочди. Ваҳоланки, бу масала судда ўз ечинини топиши лозим эди. Охир оқибатда ноғирон суд идорасидан ҳам қўл силтаб чиқиб кетди...

— Уч йиллик югур-югурлар, саломатлигим ташвиши мени анча қийнаб қўйди, - дейди Абдусамат Тўйинбоев. - 1999 йил бошида журналист Саминжон Султоновга мурожаат қилдим. У киши «Адолат кўзуси» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилди. Шундан сўнг ҳам баъзи бағриш раҳбарларнинг юрғуни қолмади. Қонун бир ён, бош врач бир ён бўлиб турган чоғда яна касабга уюшмалари талаби қатъий равишда ўртага қўйилди. Ужар С.Саидов бир-икки бор қонуний жазолар билан сийлаб қўйилган, кўзи мошдек очилди. 2000 йилнинг март ойида Абдусамат Тўйинбоевга дори-дармон сотиб олган 26900 сўм пули ветеринария бўлими томонидан тўланди.

Бир қарасангиз, бу воқеа кундалик ҳаётда рўбарў келиш мумкин бўлган оддий бир ҳол. Аммо С.Саидовнинг раҳбар сифатида ўз қўл остидаги ходимга муомаласи, эзилган, қўздан айрилган ноғиронга нисбатан адолатсизлиги кишини таажубга солади...

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

НОГИРОННИ ҚўЛЛАШ ШУНЧАЛАР ҚИЙИНМИ?

Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида

ХАТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Кейинги пайларда тармоқ ишчи-хизматчиларининг ариза ва мурожаатларига эътибор кескин кучайтирилиб, бу борада сезиларли ишлар амалга оширилди.

Утган йили тушган аризаларнинг тўрттаси ходимларни ишдан нотўғри бўшатилганлиги тўғрисида бўлса, иккитасида эса иш шароити муаммолари кўтарилган эди.

Иил давомида тармоқ қўмитасига 132 нафар фуқаро озғани мурожаат этди. Уларнинг шикоятли тегишли тартибда қайд қилиниб, талаб ва истаklarни жойида ҳал этиш йўллари изланди.

Хусусан, юз берган 7 та бахтсиз ҳодиса чуқур таҳлил этилди. Айбдорларга ва масъул шахсларга нисбатан чоралар кўрилди.

Аниқ далилларга мурожаат этайлик: вилоят автокорхонаси ҳайдовчиси Шариф Зарипов II гуруҳ ногирони. Унинг оилавий шарт-шароити ўрганилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Қорақўл туманидан М.Қаҳрамонова, вилоят болалар санаторийси ҳақимлари Б.Ражабов, Ш.Рўзиёвалар, Ғиждувон туманидан шифокор Ғ.Қутлиев каби ўнлаб кишилар қўмитанинг фаол аралашуви билан ўз вазибаларига қайта тикландилар.

Қорақўллик Шодмоной опа Эгамбердиева бундан 10 йил олдин бахтсиз ҳодиса сабабли ногирон бўлиб қолганди. Лекин у шу кунгача нафақа олмасдан келарди.

Хулоса шуки, тармоқда ҳар бир ариза ортида инсон тақдирини тўғри қалбдан ҳис этилиб, бу масалаларга чуқур масъулият билан қаралаётгани ишмиздаги ижобий ўзгаришларга омил бўлаяпти, деб ўйлаймиз.

Шавкат СУЛТОНОВ, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

Газетхон илтимосига кўра

ИШДАН БЎШАТИШ НАФАҚАСИ

Хурматли таҳририят! Меҳнат шартномаси бекор қилинган қандай ҳолларда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

А.ИСАБОВ, К.НУРМАТОВА, Н.ЖАХОНГИРОВ, Тошкент шаҳри. Ушбу саволга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 109-моддасидан жавоб топиши мумкин.

Меҳнат Кодексининг 106-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолатларга биноан, Меҳнат шартномаси ушбу Кодекснинг 106-моддаси 4-бандига биноан бекор қилинган-

да ишдан бўшатиш нафақаси тўланади, ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар ҳодимнинг айби билан бўзилган ҳоллар (суднинг муайян лавозимини эгаллашда ўқитилган фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмини яшириш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва ҳоказо) бундан мустасно;

ҳодим янги меҳнат шартлари асосида ишни давом эттиришни рад этганлиги сабабли (89-модданинг тўртинчи қисми). Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ходим гайриқонуний равишда ишдан бўшатишда ваколатли орган томонидан ўз ишига қай йўсунда тикланиши хусусида тўшунча берсангиз.

М.ҲАФИЗОВ, Г.НИҒМАТУЛЛИНА, Навоий вилояти.

Меҳнат Кодексининг 111-моддасида таъкидла-нишчи, меҳнат шартнома-си гайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим гайриқонуний равишда бо-шқа ишга ўтказилган ҳо-латда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа вако-латли орган томонидан ав-валги ишига тикланиши лозим.

Низони кўриш вақтида иш берувчига меҳнат шарт-номасини бекор қилиш ёки ходимни бошқа ишга ўтказишнинг асослилигини исботлаб бериш масъули-яти юклатилади.


Агар жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни кас-саба уюшмаси ёки ходим-ларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб олиш назарда тутилган бўлса, суд кас-саба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилиги олинган-олинма-ганлигини аниқлайди.



ФОТОРЕПОРТАЖ

ҚАМЧИК ДОВОНИДА

Қурама тоғ тизмаларига яқинлашишнинг билан қудратли техника ёрдамида амалга оширилаётган ишларни кўриб ҳайратланасиз. Йўлсозлар жасорат кўрсатишмоқда.



Ҳақиятга молик йўлди. Уюшқоқлик, ташаббускорлик туфайли энг мураккаб иншоотлар саналган туннелларни очиб муваффақиятли амалга оширилиб, эндиликда уларни бетонлаш ишлари олиб борила-моқда. Ишни дўндираётганлар орасида Олмалик, Ангрен шаҳарларидан келган бунёдкорлар ҳам бор.

Даврон Аҳмад олган суратлар.

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Жамоа шартномаларининг аниқ, ҳаёт билан узвий боғлиқ ҳолда тузилиши жойларда иш бароридан келишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ушбу ҳужжатни тузишни ташкилий жиҳатдан юқори савияда, пухта ва ўрн-қоқлик билан олиб боришга алоҳида аҳамият берди.

«Ишонч»га жавоб берадилар ИШ СУДГА ОШИРИЛДИ Янгийўл туманидаги У.Юсупов номи ширкат ҳўжалигидан И.Матқаримов ва К. Эгамқуловлар имзоси остида таҳририят-тимизга йўлланган шикоят хатида мазкур ҳўжалик аззоси А.Назаровнинг ўзбошимчилик билан 4,5 гектар ерни эгаллаб олиб, чигит экилишига тўқинлик қилаётгани, ширкатдан катта қарзи бўла туриб, уни тўлашдан беш тортаётгани ва бошқа гайриқонуний қилмишлари баён қилинган эди.

АЁЛЛАР БЕПУЛ ДАВОЛАНИШДИ

Натижада ўтган йили вилоятимиздаги меҳнат жамоаларида 62 та битим, 1964 та жамоа шартномалари тузилиб, уларга 33740 та банд киритилган эди. Шулардан йил давомида 31170 таси бажарилди.

Янгийўл туманидаги У.Юсупов номи ширкат ҳўжалигидан И.Матқаримов ва К. Эгамқуловлар имзоси остида таҳририят-тимизга йўлланган шикоят хатида мазкур ҳўжалик аззоси А.Назаровнинг ўзбошимчилик билан 4,5 гектар ерни эгаллаб олиб, чигит экилишига тўқинлик қилаётгани, ширкатдан катта қарзи бўла туриб, уни тўлашдан беш тортаётгани ва бошқа гайриқонуний қилмишлари баён қилинган эди.

2000 йилги жамоа шартномаларини тузишда янада фаол иш олиб борилди. Тармоқ қўмиталари тегишли вилоят бошқармалари ва бирлашмалари билан битимлар имзоладилар. Жамоа шартномаларини тузиш, бажарилишининг бориши сингари масала-

Турсун НИЁЗОВ, Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши иқтисодий-иқтисодий маюфатлари ҳимоя қилиш бўлими мудири.

МАБЛАҒ ЎРТАДА АЙЛАНИБ ЮРСА...

Бугунги дунё иқтисодиёт ва ҳўжалик юришти жабҳасида Кредит иттифоқчилиги деб аталувчи уюшмалар банк тизими билан тенгма-тенг ишлаётганини кўриш мумкин, - деди республика «Тадбиркор аёл» уюшмаси раҳбари Дилдора Алимбекова «Туркистон-пресс» мухбири билан сўхбатда. Кредит иттифоқчилиги ўзимизнинг маъший ҳаётда кенг ўрф бўлган ҳарифона- шерикчилик асосида тузилади, яъни ўн-ўн беш нафар ҳам-кор-маслакдошлар маълум қийматдаги маблагни ўртада йигиб, галмагалдан бир кишига муайян бир муддат бериб туришади. Фақат бу маблаг ўзимизда одат тусига кирганидек тўй-ҳашам, маъракаларга эмас, бевосита ишлаб чиқариш жабҳасига жалб этилади.

1995 йилдан бундай маблаг тўллаш усули Ўзбекистонда ҳам кенг қўллана бошлади. Масалан, ана шундай иттифоқчилик маблагига 2 бош сигир сотиб олган самарқандлик чорвадор аёлга тадбиркорлик билан иш юритгани учун тез орада бир бош бузоқ дивиденд сифатида фойдага қолди. Маблагга мазкур усул билан эгаллик қилишда гиламчилик, зардуқчилик, тикув ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйган бошқа тадбиркор аёллар ҳам самарали фойдаланаётдилар.

Ўқувчиларнинг ёзги таълиди Тошкент вилоятида 26 минг нафардан зиёд ўғил-қиз сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқаради. Чирчиқ қурилиш материалари трестига қарашли

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ КУТМОҚДА

«Гўзал», Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Чимён», «Тошкент геология» корхонаси қошидаги «Геолог» болалар оромгоҳларида мавсумга тайёргарлик ниҳоясига етмоқда. Эътиборли томони шундаки, таътил давомида ўқувчилар

«ТАШАББУС» СОВРИНДОРИ

Муस्ताқил мамлакатимизда ҳам яқин истикболда теҳаслик, флоридалик, бремелик ва бавериалик пешқадам фермерларга ўхшаган кишлоқ тадбиркорлари шаклланишига шубҳа қолмади. Ҳозирнинг ўзида бу борада фермер ҳўжалиқларининг дастлабки натижалари қувонарли бўлаёттир.

Беруний туманининг Абай номидаги ҳўжалик худудида «Мақсуд» фермер ҳўжалиги тузилганида кишлоқ аҳли кичик жамоанинг келажига у қадар ишонч билан қарамаганди. Аммо тадбиркор Мақсуд Йўлдошев учун дехқончилик, чорвачилик отамерот соҳа эмасми, дастлабки йилдаёқ аҳолига мўл ва серқаймоқ сут етказиб бера бошлади. Шу билан бирга жамоа ҳўжалиги билан узоқ йилга мўйжалланган истиқ-

Ибрат

тириш, ихтиёридаги 10 гектар майдондан оқилона фойдаланиб, озуқа етиштириш режасини ишлаб чиқди. Банкдан ҳисоб рақами очиб, зарур маблаг бўлишини таъминлади. Биринчи навбатда ишга фарзандлари Раҳматжон, Аҳмаджон, бошқа қатор тадбиркор йигитларни жалб этган ҳолда замонавий ферма қурди. Мана, орадан 5 йил ўтди. Интилганга тўле ёр экан. Яхши ният, билан саъй-ҳаракат қилган фермер қорамоллар бош сонини 100 бошга етказди. Қарамоғида кўй, от ҳам бор. Соғилаётган 40 бош сигирнинг асосий қисми наслдор. Ўз кучи билан фермага табиий газ, ичимлик сув

Бир вилоят хабарлари

НАВОЙИДА ЯНГИ ЗАВОД «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида чет эл сармоясини жалб этиш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Бу ерда яна бир хайрли ишга қўл урилди: Германиянинг «Лаурги» фирмаси билан ҳамкорликда каустик сода ишлаб чиқариш заводида тамал тоши қўйилди. Шу мақсадда мазкур мамлакатнинг «Берлинербанк» и лион немис маркази миқдоридagi кредит ҳисобига хориж технологияси сотиб олинди. Дастлабки асбоб-ускуналар ҳозирдаёқ бу ерга етиб келди.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КУЧАЯДИ

Навоий шаҳридаги «Фарход» маданият саройида иқтисодиёт ва савдо масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу тадбирда шаҳар ва туман ҳокимликлари, савдо, солиқ, банк идоралари ходимлари, тадбиркорлар иштирок этди. Анжуманда Польша тадбиркорлари билан Навоий вилояти ишбилармонлари ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, хусусан, қўшма корхоналар тузиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи митти заводлар қуриш бўйича тақлифлар ўртага ташланди. Навоийликлар поляк тадбиркорлар билан шерикликни кучайтириш тўғрисида келишиб олди.

(ЎЗА).

Илхом

ТОШҚИН

Илхомим содиқ дўст-ёр бўлгани учун тошқин, Истаган нарсам тайёр бўлгани учун тошқин.

Дилдорлар билан дунё бўлган кўринар кўзга, Енимда вафоли ёр бўлгани учун тошқин.

Камчиликни билмасдан яшаётган шод-хуррам,

Ҳамиша уйим баҳор бўлгани учун тошқин.

Қалбда армон йўқ, Тўра, мисли дарё илхомим,

Мустақил, озод диёр бўлгани учун тошқин.

ЛАТОФАТ ЮЗ КЎРСАТДИ

Озод, хур диёримда латофат юз кўрсатди, Наврўзим, баҳоримда латофат юз кўрсатди.

Танлаб олган еримда экинларим серҳосил, Рўзгорим, гулзоримда латофат юз кўрсатди.

Ҳамма нарса мўл бўлса, қалбда севинч тошаркан,

Оқшомим, наҳоримда латофат юз кўрсатди.

Халқнинг бахту иқболин мадҳ айлагил, эй Тўра,

Озод, хур диёримда латофат юз кўрсатди.

УНДАН АЪЛО НАРСА ЙЎҚ

Хунар, бойлик бир бўлса, ундан аъло нарса йўқ,

Дўстларинг истаб келса, ундан аъло нарса йўқ.

Киши самимий бўлиб, одилона иш тутса,

Фурсат қадрини билса, ундан аъло нарса йўқ.

Ҳурматда - эътиборда яшаш кўп яхши,

Тўра, Сенга иқбол-бахт кулса, ундан аъло нарса йўқ.

Тўра ЖУМАН

ОТА АРМОНИ

Автобус бекатида ҳассага суяган 75-80 ёшлар чамасидаги бир отахон билан танишиб қолдим. Гапдан- гап чиқиб у ўз ўтмишидан сўзлади. — Асли тошкентликман. Қа- тагон йилларида отамни бой боласи деб Сибирга сургун қилдилар. Оиламизга ҳам кун беришмагач, бир кечада тоғ- дашт ошиб Ёркентга кўчиб кетдик. Бегона юртларда онам, опам ва укам бевакт ва- фот эдилар. Ёркентда тақ- дир тақозоси билан тошкент- лик бир бева аёлга уйландим. Аввалги эридан унинг бир ўғил, бир қизи бўлиб, улар- ни ўз фарзандларимдек бағ- римга босиб, катта қилдим...

1957 йили Аллоҳга беадад шукур, она юртимга кўчиб ке- лиш насиб этди. Турмуш ўртоғим вафот эт- гач, ўғил-қизларимни вояга етказиб ўқитдим, уйлантир- дим, турмушга узатдим. На- фақага чиқиб, набираларим- га қарадим... Бироқ қариб, куч-гайрат кетгач, уларга ке- рак бўлмай қолдим. Ўғил-қиз- ларим ҳам, келиним ҳам чи- қиштиришмади. Иш улар би- лан судлашишгача бориб етди. Суд орқали ўзимга те- гишли озми-кўпми нарсалар- ни олиб, синглимнинг уйига кўчиб ўтишга мажбур бўлдим. Аммо, кўлидан иш келмайдиган, қари чолни нима қила-

ди, улар? Бир йилдан кейин ҳақим деб ёлғиз отимни олиб қолиб, кўчага қувшиди. Қария кўзига ёш олди. Қизим билан қелиним: «Бизни элга шарманда қил- дингиз. Судлашиб тегишли ҳақингизни олиб кетгансиз. Нега қайтиб келдингиз? Сиз ҳеч кимга керак эмассиз...», деб зўрга озик-овқат сақла- надиган хўжрага жой қилиб бердилар. Ҳар замон-ҳар за- монда набирам хабар олиб туради. Қариганда хор бўлиш ёмон бўлар экан,— Ота яна кўзига ёш олди.

Дилим вайрон бўлиб, ота- ни юпатдим. Ўғли, қизлари ва келини билан гаплашиб инсофга қақариб кўришга аҳд қилдим. Эртаси кuni отанинг уйига бордим. Ўғил-қизлари: «Тинч ўтирмай, хар нарсага арала- шаверадилар, ақдан озиб қолган. Улса қутилардик», деб отасига ўдағайлашарди. Гап-сўзлар охири уруш-жан- жалга айланган, келин билан яқка сўхбатлашишга ҳаракат қилдим.

— Келинпошша, сиз она- сиз. Хали ёшсиз, билмайсиз. Эртага қариганингизда фар- занларингиздан қайтмасли- гига ким кафолат беради. Буни қайтар дунё дейдилар. Ҳеч бўлмаса оқ сочини, эрин- гизни боқиб, катта қилгани-

ни хурмат қилиб, отангизни беш кунлик умри қолганда кўчада тентиратиб кўйманг- лар. Орадан икки-уч кун ўтгач, «ғариб» қариянинг тақдирини нима бўлди экан, - деб ҳоли- дан хабар олгани яна бор- дим. Бироқ кеч қолибман. Ота фоний дунёдан боқий дунёга кетибди.

Тўн кийиб, бел боғлаб ол- ган ўғил фотиҳага келганлар- нинг таъзиясини қабул қилар экан, нима қилайлик, пешо- намизга сиғмадилар, дея жа- воб қиларди Во дарег, ахир уч кун бурун... Беихтиёр ёқа ушлайман. Қизиқ, онадан ҳеч ким ёмон бўлиб туғилмайдик- ку? Ўғил-қизлари иссиқ-сову- гидан хабар олмаганидан кей- ин, ўтган бахтли кунларини кўмсаб, оламдан армон билан видолашган кўз ёши қилиш суъний хафақонлик не керак?! **Кидирбой Тўлабоев.**

Турмуш чорраҳаларида

АҚЛЛАРИ КЕЧ КИРДИ

Ҳа, она, сени яна соғиндим. Кўз ўнгимда мушфику мунаввар чек- ранг намоеён бўлди, яна. Гўё, қадоқ босган, бутун меҳру муҳаббатинг жам бўлган тафти қўлларинг билан бошимни силадинг. Бир зум кўнглим тўрени, онгу шууримни ўзинг айтиб берган қадим ривоят ишғол этди: Эмишки, қадим за-

монларда, қайсидир томонлар- да суяган тоғи — умр йўлдо- шидан эрта айрилган бир муш- типар она икки ўғли билан яшар экан. Онаизор фарзанд- ларим етимлигини билмасин, ўзгалардан кам бўлмасин, дея ўзи емай, ўзи киймай, хатто оғзидаги ошини ҳам ўғиллари- га атабди. Улар деб туну ку- тер тўкибди. Фарзандлар бе- каму кўст вояга етибдилар. Бо- шқалардан кам бўлмадилар. Бироқ кунлардан бир кун она- изор бетоб бўлиб қолибди. Қа- рангки, фарзандларим дея тун- ни тонга улаган онаизор ҳоли- га, унинг нолиширига икки но- дон ўғил қиё ҳам боқмабди. Ўз тенгурлари билан ўйин-қулгуга берилибдилар. Не тонгим, ана шунда она бечора оппоқ, ҳа тонгдан ҳам оппоқ қушга айла- ниб кўкка парвоз қилибди. Ақли- ни кеч таниган мурғак қал- бирдан бирида мурғак қал- бимга жойлаганингиз, то хануз ёдимда. Истардимки, она, ри- воятдаги каби фарзандлар бўлмаса — ушбу ривоят барча фарзандлар қалбидан ўчмас бўлиб жой ола.

Камол Оллоёров

ОЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Соғлом авлод йи- ли»га бағишлаб Ўзбе- кистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли олий ўқув муассасалари жамоа- лари ўртасида про- фессор-ўқитувчилар спартакиадаси ўтка- зилди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси та- шаббуси билан таш- қил этилган ушбу спартакиада қатна- шчилари спортнинг олти тури — мини футбол, волейбол, бадминтон, шахмат, шашка, стол тенниси бўйича бел- лашдилар.

— Мусобақалар Ўзбекистон Миллий университетининг спорт мажмуида ўт- казилди, — деди таълим ва фан ходимлари ка- саба уюшмаси Тош- кент шаҳар кўмитаси раиси Тоиб Акромо- ва «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Унда пойтахтдаги ўннга яқин университет ва институт жамоалари вакиллари иштирок этдилар.

Умумжамоа ҳисоби- да Ўзбекистон Миллий университети пешқа- дам бўлди. Иккинчи ўрин Тошкент Молия институти, учинчи ўрин эса Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети вакил- ларига насиб этди. Ҳали олий ўқув юртлири касаба уюш- ма кўмиталарининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Футбол МУХЛИСЛАР УМИДИ ОҚЛАНАДИМИ?

Ўн иккинчи тур кўпгина саволларга жавоб берди, айни вақтда қатор саволларни ҳам кўндаланг қўйди

Тўғриси, бу галги ҳисоб- ботни ёзиш осон кечма- ди. Йўқ, ёзадиган нарса бўлмаганлиги учун эмас, аксинча, қаламга олса ар- зигулик фикр-мулоҳаза- лар йиғилиб қолганлиги боис шундай ҳол юз бер- ди. Гапни қаердан бошла- сак, тўғри бўлади? Бал- ки, «Гулистон» ўз майдон- нида Кўннинг «Темир- йўли» жамоаси дарвоза- сига жавобсиз олтита тўп киритганлиги ўн иккинчи турнинг энг ажойиб воқе- аси бўлди, десакмикин? Ҳар қалай ҳали ҳеч бир команда бундай йирик ҳисобда галабага эриш- маган, ва табиийки, ик- кинчи жамоа бу қадар ожиз қолмаган эди!

Ақа-ука Неъматулла ва Махсипилла Қуттибоев- ларнинг уч тўпи «Семурғ» командасига муҳим уч очко ҳадя этгани, бунинг акси ўлароқ, «Кимёгар» яна майдонни қуруқ қўл билан тарк этгани ҳақида ёзиш керакдир, эҳтимол? Дарвоқе, ўтган ўн бир тур мобайнида бор-йўғи уч дуранга эришиб, тур- нири жадалининг энг сўнгги поғонасига «Ила- шиб олган» Оролбўйи- нинг умидли «Турон» жа- моасига мана ниҳоятда ушбу турда зўр қийинчи- лик билан бўлса-да, гала- ба нашидасини суриш насиб этди. «Анджон» футболчиларининг икки тўпига уч тўп билан жа- воб қилишнинг ўзи бўлмаса керак, ахир? Ўн бир ўйинда рақиблар дарвозасига атиги беш тўп киритган жамоа мух- лислари бу учрашувда гу- воҳи бўлганлари — «тўплар ёмғирини» узоқ вақт унутмайдилар, шуб- ҳасиз.

Ўтган турда чемпионлик- ка даъвогарлар сафида тилга олинаётган ва тар- киби жиҳатидан ҳам энг куч- ли жамоалардан бири ҳисобланмиш «Самарқанд -Динамо» командаси ус- тидан ишончли галаба қозониб, ўз ўйинини топиб олгандек туолган «Трак- тор» Навоийнинг «Зараф- шон»и билан учрашувда яна «қовун туширди». Ча- маси мутахассислар кўп бор қайд этган таъриф — «Трактор» ўртамиёна ко- манда, деган гап чинга ўхшайди. Калтакнинг учи ҳам, охири ҳам бўлса, деб шуни айтсалар керак-да.

Лекин, қутилганидек, энг қизиқарли ҳолат Тошкент- да «Пахтакор» ва «Дўстлик» жамоалари ўр- тасида кечган учрашувда юзга келди. Ўйин айни кезда кимнинг ким эканли- гини аниқлаб берди. «Пахта- кор» ютқазди. Тўғрироғи, унинг «Дўстлик»га кучи етмади. Буни ҳисоб ҳам айтиб турибди — 1:4! Майдон эгаларини бун- дан-да шармандали мағлу- биятдан дарвозабон Руслан Аҳмедхонов ва... нақа- дар ачиқ бўлса ҳам айт- тишга мажбурмиз, «Дўстлик» футболчилари халос этишди. Фарид Ниг- матулли, Мухтор Қурбонов, Жаъфар Ирисметовлар биринчи таймининг ўзида камида тўртта гол муал- лифлари бўлишлари мум- кин эди. «Пахтакор»нинг ҳимоя, ярим ҳимоя ва ҳужум чиқишлари чок-чоки- дан сўкилиб кетганлиги, яхлит бир жамоа даража- сига етиш учун ҳали бир неча «қовун пишиги» бор- лиги маълум бўлиб қолди.

Учрашувда футбол мух- лисларига яхши таниш бўлган Павел Садирининг ҳозир бўлиши ҳам ўзига жак Осиё биринчилиги Ўзбекистон футболли шон- шухратининг ўзига ҳос намойишига айланса! Ҳар ҳолда мухлислар умид қилишга ҳақидирлар. Ўн иккинчи турнинг қол- ган учрашувларида қуйи- даги натижалар қайд этилди: «Хоразм» — «Не- фти» — 1:1, «Насаф» — «Бухоро» — 3:0, «Сурхон» — «Қизилқум» — 2:1, «Ме- таллург» — «Самарқанд -Динамо» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Навбахор» — 1:1. Навбатдаги тур учра- шувлари 21 майда бўлиб ўтади. Шу кун чемпионат пешқадами «Дўстлик» ўз майдонидан аутсайдер «Ту- рон» жамоасини қабул қилади. Турнир жадалли- нинг иккинчи поғонасида бораётган «Насаф» эса қаторасига тўрт учрашув- ни сафарда ўтказди. Кўрамиз, у ўз мавқени сақлаб қола олармикан?



ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

Эгулик ва ёвузликнинг ораси бир кадам. Атрофда баҳор нафаси. Ўт-ўланлар ниш уриб, доғ- дараклар гуллаб, гўё эгуликка даъват этаётгандек. Зеро, биз инсонлар ҳам табиатнинг но- зиқ гўшаларидаги ўзгаришларни, инъомларини илғаб ололсак, калбларимиздаги гина-қудурат- лар, қабоҳат ўрнини меҳр-муҳаббат ва саховат эгалласа не ажаб.

ЎҒРИНИНГ ИККИ ДУНЁСИ ҚОРА

Ҳа, юртимизнинг ҳақиқий мард ўғлонлари Ватанмиз бойликларини кўз қорачиқидек асра- ш, обод ва озод жа- мият қуриш йўлида бу- тун куч ва шижоатини аямаяптилар. Аммо, орамизда тинч-тотулик- ка, осудаликка раҳна со- лишга, ўзгаларнинг мул- кишга ўғирлаш ёки та- лон-тарож қилишга ружу қўйган қора қучлар ҳам йўқ эмас. Бу эса ҳуқуқ-тартибот ходимла- рининг фуқаролар тин- члигини таъминлаш, жи- ноятчиликка қарши ку- рашда янада хушёрроқ бўлишга ундамоқда. Шунинг учун ҳам жой- ларда ички ишлар идо- ралари ходимларига яқиндан ёрдам бераёт- ган маҳалла посбонлари фаолиятига катта аҳамият қаратилмоқда. Ва жиноятчилар ўзлари- нинг фаразли мақсадла- рини асосан тунда амалга ошираётганини назарда тутиб, тунги патрул хизматлари ҳам жорий этилган. Натижа- да қўли эгри кимсалар- нинг кирдикорлари тез-

корлик билан фож қилин- моқда. Камаш туманида яшовчи Чорёр Бегматов тунда негадир безовта бўлаверди. Узини қалчи- тиб ҳам кўрди. Ҳовлига чиқди. Бир чимдим нос- дан тил тагига ташлаб, молхона томон йўл олди. Не кўз билан кўрсинки, эшиклари билан очилган хо- нада 6 бош қорамолдан бирортаси йўқ эди. Бу воқеадан хабар топ- ган ички ишлар идорала- рини ходимлари, маҳалла посбонлари биргалликда олиб борган тезкор ҳара- катлар натижасида ўғри- лар ашвёий далиллар би- лан ушлаб келинди ва моллар ҳақиқий эгасига қайтарилди. Жиноятни эса туманда яшовчи фуқаро- лар — Абдувосиқ Шаҳбо- зов, Тўхтамурод Камронов, Ўроқ Баратовлар содир қилган экан. Ҳа, жиноятчиликка қақшатқич зарба берилма- са, пайи қирқилмаса, илди- отиб кетади. Чунки ҳар қан- дай жиноят разиллик ва ту- банликка элтади. Тубанлик- да қўли эгри кимсалар- нинг қўли урган кимса эри-

Маҳмуд Исमतов ва шу ҳўжалик ишчиси Ҳомид Норбултайевлар ички иш- лар бўлимига ариза би- лан мурожаат қилиб, би- рининг уйи олдиан 3, иккинчисининг 4 бош қорамол ўғирланганли- гини билдирдилар. Тез- кор тадбирлар натижа- সিда ушбу ўғирликни со- дир этган жиноятчилар аниқланди. Шунингдек, фуқаро Жуманазар Ази- зовнинг оғилхонасидан бир бош сигирини ўғир- ланган Эрмат Норов ва Шойим Алиевлар ҳам тезкор гуруҳдан қочиб қутула олмадилар. Милиция ходимлар- нинг сайй-ҳаракати би- лан Қамаш, Косон, Чи- роқчи ва Гузор тумани худудида 1998-1999 йил- лар давомида чорва молларини ўғирлаш би- лан шуғулланган Абдуна- би Ҳикматов бошлиқ жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиш лозим. Фуқаролар ҳам озроқ бўлса-да, эътиборли бўлишса чакки бўлма- сди. Зотан, жиноятчи ўзга сайёрадан келмайди. У сизу бизнинг орамизда яшайди. **Шерали АНВАРОВ, ИИВ Матбуот маркази инспектори, милиция старшинаси.**

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Соҳидов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибят 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-83-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Матбӯлиқ: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилиб ва сақталган. Ғофсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сутува эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзилы: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти: 21.00. Тоширилди 21.30.